

Ўзбекистон – Ислом молиясидаги мутахассислар сони бўйича етакчи ўринда



17:39 / 20 декабрь 593

Ислом молияси бўйича халқаро сертификатлаш дастури билан 2 йил олдин шартнома имзолаганимизда «Ўзбекистонда бу соҳада ким ҳам имтиҳон топширади?!», деган шубҳа бўлганди. Аммо орадан салкам 3 йил ўтиб ҳолат ўзгарди.

Ўзбекистонда Ислом молиясининг бугунги ҳолати ҳақида «Мутахассислар тайёрлаш» йўналиши аъзоси Музаффар Ҳусниддиновнинг мақоласи билан танишиб чиқамиз:

«Ислом молияси бўйича халқаро сертификатлаш дастури билан 2 йил олдин шартнома имзолаганимизда «Ўзбекистонда бу соҳада ким ҳам имтиҳон топширади» деган шубҳа бўлганди. У вақтда қонунчиликда Ислом молияси ҳақида бирор жумла йўқ эди, мутахассислар сони ҳам бармоқ билан санаарли эди холос.

Орадан салкам уч йил ўтиб ҳар чоракда бўлиб ўтадиган имтиҳонга номзодлар сони 20 кишидан ошди. Атайлаб йўл босиб Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Татаристон (Россия) давлатларидан Тошкентга келиб имтиҳонларни топширган номзодларимиз бор. Биздаги номзодлар, асосан, олий маъҳад устозлари ва битирувчилари, Халқаро ислом

академияси устозлари ва битириувчилари, Assoodiq Consult, Mezon Kengashi уламолари ва ходимлари ҳамда мустақил ўрганувчилардан иборат.

Марказий банк Ўзбекистонда Ислом молияси бўйича тўлақонли қонун қабул қилинmasлиги сабаблардан бири мутахассислар етишмаслиги дея, эътироф этиб келган. Айтишим мумкинки, ҳозирги кунда халқаро сертификациядан ўтган малакали мутахассислар сони бўйича минтақада етакчига айландик. 2025 йилги имтиҳонларга рўйхатдан ўтган янги номзодлар бор. Қонун бўлмаса-да, Ўзбекистонда ички потенциал ошиб бормоқда. Тадбиркорлар орасида ҳам тижоратда Ислом молияси талабларини ўрганаётганлар, амал қилаётганлар улуши ортиб бормоқда. Банкларда ҳам қизиқиш юқори.

2025 йил Ўзбекистонда Ислом молияси бўйича катта қадамлар ташлаш, имкониятлар йили бўлиши учун барча асослар бор. Ислом банклари ва Ислом қимматли қоғозлари тўғрисидаги икки қонун лойиҳаси тайёрлаб қўйилган. Суғурта фаолияти ва Вақф тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш масаласи муҳокамада бўлиб турибди. Халқаро сертификациядан ўтган мутахассислар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шариат мезонларининг ўзбек тилига таржимаси якунланиш арафасида.

Аллоҳ муваффақ қилса, тадбиркорлар ва халқимизнинг бу соҳага талаби қондирилиб, сиёсий ирода кўрсатилса, қонунлар қабул қилинса, Ислом молияси соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётига ва молиясига қувват бўлувчи асосий омиллардан бирига айланади».

Манба: t.me/IslomMoliyasi